



ГРАДУОНИМЛАР ИЗОХЛИ ЛУҒАТИНИ ТУЗИШ МАСАЛАЛАРИ

Джумабаева Ж.Ш.

ЎЗМУ, филология фанлари доктори, доцент.

Калит сўзлар: лексикография глоссарий вокабулярия, информацион технологиялар, синонимлар, антонимлар, фразеологик бирликлар, этимологик.

Лексикография инсоният қадим замонлардан бери шуғулланиб келаётган фаолият турларидан ҳисобланади. Агар биз Шумер маданиятига мурожаат қиладиган бўлсак, эрамиздан олдинги асрлардаёқ инсонлар тушуниши қийин бўлган ҳодиса ва ҳолатларни англашга ҳаракат қилиб, уларни ифодалашда ишлатиладиган сўзларнинг рўйхатини тузишган. Улар шу рўйхат ва ундаги изоҳларни *глоссарий* ёки *вокабулярия* деб аташган. Луғатларнинг ҳозирги кўриниши XVI асрда пайдо бўла бошлаган. XX асрга келиб луғатшуносликда жуда катта тажриба тўпланди, буни ҳар хил турдаги луғатларнинг чоп этилишида кўришимиз мумкин. XX асрнинг ўрталарига келиб эса лексикографик назария яратиш зарурати туғилди ва яратилди. В.В.Морковкиннинг фикрича, лексикография назарияси куйидагиларни ўз ичига олади:

- лексикография тушунчасининг ҳажми, мазмуни ва структурасини қайта кўриб чиқиш;
- луғат турлари ва жанрлари ҳақидаги таълимот;
- элемент ва параметрлар ҳақидаги таълимот;
- лексикографик қурилиш асослари ҳақидаги таълимот ва компьютерлаштириш имкониятлари;
- одатий луғат материаллари ҳақидаги таълимот;
- луғат ишини режалаштириш ва ташкил этиш бўйича таълимот;
- луғат тузиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш [1; 7-б].

Бугунги кунга келиб яратилган назариялар, тўпланган тажрибалар асосида луғатларимиз янада мукамаллашган ҳолда чоп этилиб, қулайлиги, улардаги сўз

ва ибораларнинг кўплиги олдингиларидан фарқ қилади.

Назарий лексикографиянинг пайдо бўлиши назарияларнинг умумлашуви натижасида чоп этилган куйидаги ишлар билан боғлиқ: Махмуд Кошғарийнинг “Девону-луғотит-турк”, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, Х. Касареснинг “Введение в современную лексикографию”, Л.В.Щербанинг “Опыт общей теории лексикографии”, В.Виноградовнинг “Лексикология и лексикография”, П. Ступин “Лексикография английского языка”, F.W.Householder and Sol Saporta “Problems in Lexicography”, J.Dubois C.Dobois “Introduction a’la Lexicographie: le dictionnaire”, L.Zgusta “Manual of Lexicography”.

Ҳозирги кунда лексикография жадаллик билан ривожланар экан, буни ўқув ва илмий-техникавий луғатларнинг сони ва салмоғи кўпайиб, тобора оммалашиб бораётганлигида кўришимиз мумкин. Бу борада олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар ҳам шунинг яққол намунасидир. Масалан, рус лексикографияси соҳасида илмий изланиш олиб борган олим В.В.Морковкиннинг “Основы теории учебной лексикографии” (илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси, 1990) ва С.В. Гринев-Гриневичнинг “Введение в терминографию” илмий ишлари (1996) шулар жумласидандир.

Информацион технологиялар, компьютердан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган бир даврда онлайн луғатларининг турлари кўпайганлиги ва уларнинг қулайлиги нафақат тилшунослар учун, балки чет тилларни ўрганишда муҳим манба ва омил сифатида роль



ўйнамоқда. Айниқса, ҳозирги кунда инглиз тилини ўрганишга талабгорлар кўпайганлиги сабабли, улар учун қулай ва оммабоп луғатларнинг яратилишига ҳам эҳтиёж ортмоқда.

Ўзбек тили изоҳли луғатининг (5 жилдли) яратилиши ҳам ўзбек тилшунослиги ҳамда луғатшунослигининг ривожланишига туртки бўлди. Бундан ташқари, яратилган синонимлар, антонимлар, фразеологик бирликлар, этимологик луғатларни ҳам янгилаш даври келди.

“...Шарафиддин Абу Ҳайян Маҳмуд бин Юсуф бин Али бин Ҳайян туркий тиллар хусусидаги ёзган китобида шундай ёзган: Ҳар бир тилни билиш уч нарсани ўзлаштириш билан ҳосил қилинади. Биринчиси: ҳар бир сўз маъносини ўзлаштириб олиш. Бу қисм *луғатшунослик* деб аталади. Иккинчиси: сўзларнинг айрим-айрим ҳолдаги хусусиятларини ўрганиш. Бу қисм *илми сарф* деб юритилади. Учинчиси: сўзнинг бир-бирига боғланишига доир хусусиятларини ўрганиш. Бу қисм арабча *илми наҳв* дейилади” [2; 9-10-б].

Демак, луғатшунослик биринчи ўринда турар экан, албатта, ҳар бир тил луғатлари мукамал, барча лексик хусусиятларни ўзида мужассам этган бўлмоғи лозим. Ўзбек тилида ҳозирги кунгача мавжуд А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” (1974), Ш.Раҳматуллаев, Н.Маматов, Р.Шукуровларнинг “Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати” (1980) кабилар қаторида “Ўзбек тили градуонимларининг изоҳли луғати”ни яратиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу луғат икки хил тузилишда яратилиши мумкинлиги тавсия этилади:

1. Алифбо тартибидаги ҳар битта сўздан кейин изоҳли луғатдаги каби қайси сўз туркумига кириши кўрсатилиб, унга изоҳ берилади, берилган сўз градуонимик қатордан қайси ўринни эгаллаши ёзилади ва ГР. қисқартмасидан кейин градуонимик қатор тўлиқ берилади. Бунда яна бир муҳим жиҳатни унутмаслик керак: агар ижобийликнинг, ҳажмнинг, кўламнинг

кенгайишига ёки ошишига кўра қатор берилса, “→” белгиси градуонимлар орасига қўйилади, камайишига кўра, ижобийликдан салбийликка кўра градуонимик қатор берилса “←” белгиси орқали градуонимик қаторлар берилиши лозим бўлади. Масалан, ўзбек тилида:

Кенг. *сифат*. бирор бир предмет-нарсанинг сиғими нормал ҳолатдан юқори бўлиши, тарқалиш кўлами ортганда ишлатилади, м-н: *кенг уй, кенг имконият*. ГР. **кенг←ўрта←тор** ёки **тор→ўрта→кенг**

Инглиз тилида:

Wide. *adjective*. 1. of great or more than average width. 2. having a particular width. 3. open to the full extent. 4. including a great variety of people or things. 5. spread among a large number or over a large area. E.g. *wide street, wide view, wide opportunity*. GR. **wide←normal←narrow** or **narrow→normal→wide**

2. Сўз туркумлари бўйича бўлимларга ажратиб бериш, яъни бунда от сўз туркумига оид сўзларнинг градуонимик қаторлари алоҳида, феъл, сифат, олмош, равиш сўз туркумларига оид сўзларнинг градуонимик қаторлари алоҳида берилади. Бунда луғат 5 та бўлимдан иборат бўлиб, ушбу бўлимларда **Ижобийликнинг ошишига, салбийликнинг ошишига кўра, ҳажмнинг ортишига/камайишига, тезликнинг ошиши/камайишига кўра** каби сарлавҳалар остида алифбо тартибида сўзларнинг изоҳи, градуонимик қатори кетма-кетликда берилади.

Бу каби луғатларда бир вақтнинг ўзида ҳам синоним, ҳам антонимларни ўз ичига олган градуонимик қаторлар берилганлиги сабабли тил ўргатувчи ва ўрганувчиларга жуда қулайдир. Шу билан бирга, таржимонларнинг сўз танлашида, контекстуал маънони сақлаб қолишида, айнан таржима қилинаётган тил хусусиятидан келиб чиқиб, мос сўзни топишида муҳим ўрин тутди.

Юқоридаги фикрларимиз бир тилли луғат борасида бўлса, икки тилли луғат тузишда ҳам ҳар иккала типдаги луғатларни яратиш, улардан фойдаланиш



жуда қулай деб ҳисоблаймиз. Икки тилли луғатнинг яна бир афзаллиги шундаки, тадқиқотимиз давомида аниқланган ўхшаш ва фарқли жиҳатлар айнан шу икки тилли луғатда ўз аксини топади, бундан ташқари, уникалия ҳолатларини икки тилли луғатнинг охирида алоҳида ажратиб бериш

мақсадга мувофиқдир. Чунки унинг таржима қилинаётган тилда мавжуд бўлмаганлиги ёки, аксинча, оригинал матн тилида мавжуд эмаслигини кўрсатиб ўтиш ва исботлаш учун алоҳида, луғат охирида бериб ўтиш муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии. Дисс.....д-ра.филол. наук.– М., 1990.– 162 с.
2. Ат тух-фатуз-закияту фил луғатит-туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. –Тошкент.: 1968. –9-10 б.

Djumabayeva J.Sh. Issues of graduonymic units' glossary compiling. This article considers problems of compiling dictionaries which include graduonymic lines in Uzbek and English. As it is less studied phenomenon, dictionaries must include interpretation of all members of graduonymic line.

Джумабаева Ж.Ш. Проблемы составления толковых словарей градуонимов. Статья исследует проблемы составления словарей, включающих градуонимные строки в английском и узбекском языках. Исходя из того, что это является наименее изученной проблемой, словари должны включать интерпретацию всех частей градуонимных строк.